

## МИЛЛИЙ ЎЗЛИГИМИЗ ВА МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ЎЗБЕК ТИЛИГА ДАВЛАТ ТИЛИ МАҚОМИ БЕРИЛГАНИНИНГ ЎТТИЗ  
ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ



Ассалому алайкум, мухтарам юрtdошлар!  
Азиз дўстлар!

Авваламбор, мана шу қувончли айёмда барчангизни азим пойтахтимизнинг марказида барпо этилган, кунни кеча ишга туширилган мухташам ва улғувор кошонада хуш кайфиятда кўриб, кутлаб турганимдан гўятда бахтиёрман.

Сиз, азизларни, сизларнинг тимсолин-гизда бутун халқимизни тарихий сана — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллиги билан самимий муборақбод этаман.

Маълумки, Ўзбекистоннинг замонавий қиёфасини яққол намоён этадиган янги бино ва иморатлар бугун барча шаҳар ва вилоятларимизда кўплаб қад кўтармоқда.

Албатта, уларнинг орасида “Тошкент-Сити” ишбилармонлик маркази алоҳида ажралиб туради.

Гувоҳ бўлиб турганингиздек, “Тошкент-Сити” маркази ўзининг меъморий қиёфасида шаҳарсозлик санъатининг энг сўнгги ютуқларини, архитектура, муҳандислик ва дизайнлик борасидаги ноёб ва улкан салоҳиятини яққол мужассам этади.

Майдони 80 гектардан иборат ушбу марказни қуришдан асосий мақсад — замонавий, “ақлли шаҳар” барпо этиш, халқро, хорижий ва маҳаллий банк-молия тузилмалари ва инвесторлар учун жонажон Ватанимиз, биринчи навбатда, гўзал пойтахтимиз жозибadorлигини оширишдан иборат.

Биз Ўзбекистон тараққиётини янги бошқича кўтариш мақсадида ишлаб чиқилган Ҳаракатлар стратегиясини изчил амалга ошираётганимиздан халқимиз ва халқро ҳамжамият яхши хабардор, албатта. “Тошкент-Сити” марказини барпо этиш гоёси ҳам айнан ўша стратегия билан бир пайтда туғилган эди.

Ўзбекистон тажрибасида биринчи бўлган шундай катта миқёсдаги ва ноёб лойиҳани амалга ошириш учун кўп нарсани янгитдан ўрганишимиз, тинимсиз изла-нишга тўғри келди.

Қурилиш майдони 1 миллион 600 минг квадрат метрга тенг бўлган янги марказнинг 30 фоизини уй-жойлар, 30 фоизини офислар учун бинолар, яна 30 фоизини савдо мажмуалари, 10 фоизини меҳмонхоналар фонди ташкил этади.

Барчангиз кўриб турибсиз, бугун бу худудда улкан бунёдкорлик ишлари жадал давом этмоқда. Насиб этса, 2021 йилда қурилиш ишлари тўлиқ якунланиб, ушбу марказ халқимизга ва пойтахтимиз меҳмонларига хизмат қилишни бошлайди.

Қисқача айтганда, “Тошкент-Сити” маркази Ўзбекистонда қурилиш ва архитектура соҳасида тараққиётнинг янги даври бошлангани, бу соҳада биз кўп нарсасига қодир эканимизни кўрсатади, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон ўзининг очик ва конструктив сиёсати билан минтақамиздаги йирик сиёсий, иқтисодий ва маданий марказга айланиб бормоқда. Жаҳондаги нуфузли халқаро ташкилот ва тузилмалар, молиявий институтлар, ишбилармон доиралар томонидан Ўзбекистонда қатор тадбирлар, анжуман ва учрашувлар ўтказилмоқда. Табиийки, келгусида бу жараёнлар янада кучаяди, Ўзбекистон яна кўплаб йирик халқаро саммитлар, форум ва симпозиумларга мезбонлик қилади.

Шу маънода, ушбу мухташам мажмуа нафақат давлатимиз, балки халқро аҳамиятга эга бўлган янги гоё ва ташаббуслар туғилади, муҳим тарихий ҳужжатлар қабул қилинадиган масканга айланади, деб ишонамиз.

Фурсатдан фойдаланиб, мана шундай муаззам саройнинг бунёдкорларига — мохир меъмор ва лойиҳачиларга, ишчи-муҳандисларга, чет эллик мутахассисларга, барча иштирокчиларга ўз номидан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдирман.

Хурматли дўстлар!  
Мамлакатимизда яратилаётган янги тарих, янги тараққиёт даврининг, халқимиз

бунёдкорлик салоҳиятининг амалий ифодаси бўлмиш мана шу бетакрор мажмуада биринчи бўлиб она тилимизга — давлат тилига бағишланган тантанали маросимни ўтказаяётганимиз беҳиз эмас.

Бугун ушбу мухташам мажмуага дастлабки азиз меҳмонлар сифатида ташриф буюрган сиз, қадрли юрtdошларимизни, мухтарам фахрийларимизни, она тилимизнинг жонқуяри бўлган зиёлиларимизни, депутат ва сенаторларимиз, фаол ёшларимизни, дипломатик корпус вакилларини чин қалбимдан табриклаш менга катта мамнуният бағишлайди.

Бу муаззам кошона барчамизга, бутун халқимизга муборак бўлсин! Хуш келибсиз, азиз дўстлар!

Қадрли ватандошлар!

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадриятдир.

Кимда-ким ўзбек тилининг бор латофатини, жозибаси ва таъсир кучини, чексиз имкониятларини ҳис қилмоқчи бўлса, мунис оналаримизнинг аллаларини, минг йиллик дostonларимизни, ўлмас мақомларимизни эшитсин, бахши ва ҳофизларимизнинг сеҳрли кўшиқларига қулоқ тутсин.

Туркий тилларнинг катта оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг тарихи халқимизнинг кўп асрлик кечмиши, унинг орзу-интилишлари, дарду армонлари, зафарлари ва ғалабалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Ақдодларимиз, ота-боболаримиз айнан она тилимиз орқали жаҳонга ўз сўзини айтиб келганлар. Шу тилда буюк маданият намуналарини, улкан илмий кашфиётлар, бадий дурдоналар яратилган.

Ўтмишда ўлкаимизни босиб олган турли ёвуз кучлар бизни аввало ўз тилимиздан, тарихимиз ва маданиятимиздан, дину динёнатиимиздан жудо қилишга қайта-қайта уриндилар. Улар эл-юртимиз бошига қан-

дай азоб-уқубатлар, қулфат ва мусибатлар солгани тарихдан яхши маълум.

Аммо жасур ва матонатли халқимиз ҳар қандай оғир синовларда ҳам ўз озодлиги ва истиқлоли учун мардона курашди. Бу йўлда беҳисоб қурбонлар берди. Ҳар қандай зулм ва зўравонликларга қарамасдан, ўз она тилини — миллий ғурурини сақлаб қолди. Нафақат сақлаб қолди, балки уни ҳар томонлама ривожлантириб, бугунги авлодларга безавол етказиб берди.

Бу борада маънавий жасорат ва фидойилик кўрсатган буюк арбобларимиз, адиб ва олимларимиз, уламоларимиз, улғу санъаткорларимизнинг хотирасини бугун хурмат ва эҳтиром билан ёд этамиз.

Ушбу кутлуг айёмни байрам қилар эканмиз, аввало, 1989 йил 21 октябрь санасини — “Давлат тили ҳақида”ги қонун қабул қилинган кунни эслашимиз ўринлидир.

Юртимизда мустабид тузум ҳали ўз ҳукмини ўтказиб турган гоёт оғир шароитда халқимизнинг тақдири ва келажагини ҳал қиладиган бу қонунни қабул қилиш биз учун осон кечмаган эди.

Қонун лойиҳаси икки марта умумхалқ муҳокамасига қўйилган эди. Унинг атрофида қандай қизгин баҳс ва тортишувлар бўлиб ўтганини, ўйлайманки, кўпчилик юрtdошларимиз жуда яхши эслайди. Шахсан мен ҳам ўшанда бу тарихий жараёнларнинг бевоасита гувоҳи ва иштирокчиси бўлганман.

Бу муҳим ҳужжатнинг қабул қилинишида фидойи ва ватанпарвар зиёлиларимиз, кенг жамоатчиликнинг қатъий шижоати ҳамда Биринчи Президентимиз мухтарам Исро Абдуганиевич Каримовнинг сиёсий иродаси катта ўрин тутди.

Ўзбек тили давлат тили сифатида халқимизни бирлаштирадиган, жамиятимизни улғу мақсадлар сари сафарбар этадиган қудратли куч бўлиб майдонга чиқди. Айни вақтда у Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги сари қўйилган биринчи дадил қадам эди.

Бу қонун халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш йўлидаги азму қарорининг ёрқин намоени бўлди. Орадан икки йил ўтиб, Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги айнан она тилимизда жаҳонга эълон қилинди.

Мамлакатимизнинг Асосий қонуни — Конституцияимизнинг ўзбек тилида яратилиши унинг нуфузини янада юксалтирди.

Юртимиз бўйлаб ва халқро майдонларда она тилимизда янграётган Давлат мадҳияси ҳам қалбаримизда Ватан туйғусини жўш урдиради.

Ўзбек тили ўтган йиллар давомида мамлакатимиздаги юздан ортиқ миллат ва элат вакилларини ўзаро боғлайдиган меҳр-оқибат тилига айланади.

Бундан беш аср муқаддам ҳазрат Алишер Навоий:

“Турк назмида чу мен тортиб алам,  
Айладим ул мамлакатни якқалам”,  
деб ёзган эди. Яъни, ул зот она тили байрогини баланд кўтариб, бутун эл-улусни, юртларни шу байроқ остида бирлаштирдим, деб ифтихор қилган.

Давоми. Бошлониши 1-бетдо

Барчамизга яхши аёнки, она тили — миллат маънавиятининг мустаҳкам пойдеворидир. Улуғ маърифатпарвар бобоми Абдулла Авлоний таъкидлаганидек, **ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадиган ойинаи ҳаёти — бу унинг миллий тили ва адабиётидир.**

Шу маънода дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашни мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат аввало ўз халқининг миллий тили ва маданиятини асраб-авайлашга, ривожлантиришга интилади.

Мустақиллик йилларида она тилимизни том таълиқда давлат тилига айлантириш йўлида катта чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шу ўринда бир фикрга эътиборингизни қаратмоқчиман. Ҳозирги кунда Ер юзиде 7 мингдан зиёд тил мавжуд бўлса, уларнинг фақат 200 га яқини давлат тили ёки расмий тил мақомига эга.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўзбек тилига давлат тили мақомини ҳуқуқий жиҳатдан муҳрлаб берган мазкур қонуннинг ҳалқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти беқийсдир.

Бу тарихий воқеадан сўнг лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш ҳақида яна бир муҳим қонун қабул қилинди. Хурматли ватандошлар!

Бугун жонажон Ўзбекистонимиз **“Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари”** деган устувор ғоя асосида ўз тараққиётининг янги босқичига дадил қадам қўймоқда. Барча соҳалар билан бирга давлат тилининг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг қўламли ишлар қилинмоқда.

Ҳозирги кунда ўзбек тили давлат тили сифатида сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маърифий ҳаётимизда фаол қўлланилмоқда, халқаро минбарлардан баралла янграмоқда.

Давлатимиз томонидан маънавий ҳаётимизни янада ривожлантириш, жумладан, таълим-тарбия ишларини замон талаблари асосида ташкил этиш, маданият, санъат ва адабиёт соҳаларини такомиллаштириш, китобхонлик маданиятини ошириш бўйича қабул қилинган ўнлаб фармон ва қарорлар ўзбек тили раванқига бевосита хизмат қилмоқда.

Бу ҳақда гапирганда, кейинги йилларда она тилимизда фаолият юритадиган юзлаб бочалар, мактаблар, олий ўқув yurtлари, янги газет ва журналлар, теле-радио каналлар, нашриётлар, маданий-маърифий муассасалар, кутубхоналар ташкил этилаётганини қайд этиш лозим.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда фольклоршунослик, диалектология, туркология, матншунослик каби йўналишлар очилди.

Бу борада янги ўқув дастурлари яратилаётгани, дарслик ва қўлланмалар, рисола ва монографиялар нашр этилаётгани, илмий анжуманлар, оммавий ахборот воситаларида ўзбек тилининг бугуни ва истиқбол ҳақида амалий тақлиф ва ташаббуслар билдирилаётгани гоёта муҳим аҳамиятга эга.

Хабарингиз бор, азим пойтахтимиз марказидаги Миллий боғ ҳудудида Адиллар хиёбони бунёд қилинмоқда. Бу гўзал масканда барпо этилаётган ёдрорлик мажмуалари адабиётимизнинг буюк намоёндалари, ўзбек тилининг чинакам жонқарлари хотирасига бағишлангани айниқса эътиборлидир.

Она тилимиз ва миллий адабиётимизни утулгаш, унинг бой хазинаси, таровати ва нафосатини ёш авлодимизга етказиш мақсадида юртимизда атоқли шоир ва адибларимиз номларидаги ижод мактабларини ташкил этдик. Мухаммад Ризо Огаҳий, Исҳоқхон Иброт, Абдулла Қодирий, Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ибройим Юсупов, Ҳалима Худойбердиева, Мухаммад Юсуф номидаги ижод мактабларида энг аввало ўзбек тили ва адабиётини, бадиий ижод сирларини чуқур ўрганиш учун барча шароит яратилмоқда.

Ҳозирги вақтда ўзбек тилида сўзлашув-

чилар сони ҳаҳон миқёсида 50 миллион кишига яқинлашиб қолди. Бу она тилимизнинг дунёдаги йирик тиллардан бирига айланб бораётганидан далолат беради.

Бугунги кунда халқаро майдонда обрў-эътибори тобора юксалиб бораётган Ўзбекистонимизни дунёга тарангун этишда она тилимиз ҳам катта ҳисса қўшмоқда.

Ўзбек тили Америка Қўшма Штатлари, Буюк Британия, Германия, Франция, Швеция, Россия, Украина, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Ҳиндистон, Туркия, Афғонистон, Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон, Туркменистон, Қирғизистон каби давлатларнинг 60 га яқин университетига ва 100 дан зиёд мактабига ўрганилмоқда. Ўзбек тили ва адабиёти бўйича илмий изланишлар олиб бораётган чет эллик олим ва тадқиқотчилар сони йил сайин кўпаймоқда.

Шу борада мамлакатимизнинг хориждаги элчихоналари ва дипломатик ваколатхоналари қошида **“Ўзбек тилининг дўстлари”** клублари ташкил этилаётганини биз ҳар томонлама қўллаб-қувватлаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги кувончимизга шерик бўлаётган чет давлатларнинг муҳтарам элчиларига, халқаро ташкилотлар вакилларига уларнинг юртларида ўзбек тилига кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор учун ташаккур изҳор этаман. Айниқса, Ўзбекистондаги хизмат фаолияти давомида ўзбек тилини ўрганиб, фаол мулоқот қилаётган хорижий дипломатларга алоҳида миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Сизларга яхши маълум, яқинда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлди. Бу ўз навбатида, нафақат ўзаро иқтисодий ҳамкорликни кучайтиришга, балки туркий тиллар, жумладан, ўзбек тилининг халқаро мақоми юксалтиришга хизмат қилади.

Кенгаш саммитида билдирган ташаббусларимиз, хусусан, қардош халқлар адабиётининг энг сара намуналари мужассам бўлган ўз жилдик **“Туркий адабиёт хазинаси”** китоблар туркумини аъзо давлатларнинг она тилларида нашр этиш тақлифимиз ижобий қабул қилинди.

Азиз ватандошлар!

Давлат тилини ривожлантиришга қаратилган ишларимизнинг мантйқий давоми сифатида бугун мамлакатимизда яна бир муҳим қадам қўйди. Мен бугун **“Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги фармонга имзо чекдим. Унга биноан **“Давлат тили ҳақида”**ги қонун қабул қилинган куннинг улкан тарихий ўрни ва аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда, 21 октябрь санаси юртимизда **“Ўзбек тили байрами кун”** деб белгиланди.

Ўйлайманки, ўзбек тили байрамининг мамлакатимиз ва халқаро миқёсда кенг нишонланиши халқимизнинг миллий руҳи ва ғурурини юксалтириш билан бирга, давлат тилини ҳаётимизда тўлақонли жорий этишга хизмат қилади.

Ушбу фармонда она тилимизнинг келгуси тараққиётига оид қўллаб масалалар қаторида **Вазирлар Маҳкамасида Давлат тилини ривожлантириш бўйича алоҳида тузилма** ташкил этилганини ҳам сизларга маълум қилмоқчиман.

Бу тузилма давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини, соҳага оид муаммоларни таҳлил этиб, бу борада ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди.

Айни пайтда дунёда илм-фан ва технологиялар шиддат билан ривожланиб, мамлакатимизнинг халқаро ҳамкорлик алоқалари тобора кенгаймоқда. Натияжада ҳаётимизга четдан қўллаб янги тушунча, сўз ва иборалар кириб келмоқда.

Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг лўғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча мўқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа бўлиб турибди.

Тўғриси айтиш керак, бу масалада ҳам оқсоқлимиз бор эди. Шу муносабат билан фармонда янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш борасидаги

ишларни тартибга соладиган **Атамалар комиссиясини** тузиш масаласини ҳам назарда тутдик.

Она тилимиз — миллий маънавиятимизнинг битмас-туганмас булғидир. Шундай экан, унга муносиб ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш барчамизнинг нафақат вазифамиз, балки муқаддас инсоний бурчимиздир.

Давлат тилига бўлган доимий эътибор ва ғамхўрлик мамлакатимизда бундан бундан ҳам изчил давом эттирилади.

Қадрли юртдошлар!

Маълумки, Ватанимиз неча юз йиллар мобайнида буюк цивилизация ва маданият марказларидан бири бўлган. Қадимдан диёримизда халқимиз билан бирга турли миллат вакиллари елкадош, аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, тинч ва осойишта муҳитда яшаб келадилар.

Ўз тилини ҳурмат қилган маърифатли эл бошқаларининг она тилига ҳам чуқур ҳурмат билан қарайдди. Ўзбекистондаги бағрикенглик сиёсати тўғрисида, ҳозирда юртимизда ягона оила бўлиб яшаётган 130 дан зиёд миллат ва элат вакилларига ўз она тили, урф-одат ва қадриятларини ривожлантириши учун ҳамма шарт-шароитлар яратилмоқда. Тошкент шаҳри ва жойларда фаолият кўрсатаётган 140 га яқин миллий маданий марказ айни шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда таълим-тарбия муассасалари ва оммавий ахборот воситалари ўзбек тили билан бирга қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида фаолият олиб бораётгани халқаро жамоатчилик томонидан ижобий ҳодиса сифатида эътироф этилмоқда.

Доно халқимиз **“Тил билган — эл билди”** дейди. Бу борада буюк боболаримиз ибрат ва намуна кўрсатганлар. Хусусан, Мусо Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Имом Бухорий, Аҳмад Фарғоний, Маҳмуд Замахшарий, Алишер Навоий каби улуғ аждодларимиз ўнлаб тилларни пухта билганлари учун ҳам жаҳон илм-фанининг юксак чўққилларини забт этганлар.

Бугунги кунда юртимиздаги таълим масканларида инглиз, рус, немис, француз, испан, итальян, араб, форс, турк, хитой, япон, корей, ҳинд ва урду тиллари чуқур ўқитилаётгани бу анъаналар давом этаётганининг ёрқин ифодасидир.

Биз ёшларимизнинг жаҳон тилларини эгаллашга бўлган улкан қизиқиш ва интилишларини ҳар доим қўллаб-қувватлаймиз.

Мен бугун азиз болаларимизга мурожаат қилиб, улуғ алломо, XX аср бошида опти тилли — ўзбек, араб, форс, ҳинд, турк ва рус тилларида лўғат тузган Исҳоқхон Ибротнинг мана бу ҳикматли сўзларини эслатмоқчиман: **“Бизнинг ёшлар албатта бошқа тилни билиш учун сай-ҳаракат қилсинлар, лекин аввал ўз она тилини кўзларига тўтиё қилиб, эҳтиром кўрсатсинлар. Зеро, ўз тилига садоқат — бу ватаний ишдир”**.

Ўйлайманки, бу сўзларга ортиқча изоҳнинг ҳожаати йўқ.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!

Она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётдаги таъсири ва мавқеини янада ошириш бўйича олдимизда ўта муҳим ва долзарб вазифалар турибди.

Аввало, бундан ўттиз йил муқаддам қабул қилинган **“Давлат тили ҳақида”**ги қонунни бугунги кун талаблари нуқтаи назардан ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиб, такомиллаштириш зарурати сезилмоқда.

Яна бир муҳим вазифа фундаментал тадқиқотлар, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, санаят, банк-молия тизими, юриспруденция, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа тармоқларда давлат тилини тўлақонли қўллаш билан боғлиқ.

Ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтириш, мамлакатимизда яшаётган турли миллатларга мансуб ватандошларимизнинг давлат тилини ўрганишлари учун тегишли шароит яратиб бериш, юртимизда ва хорижда ўзбек тилини ўргатадиган ўқув марказларини қўлайтириш зарур.

Шу мақсадда янги дарсликлар, қиёсий ва турли соҳаларга оид лўғатлар, иш

юритиш ва сўзлашув қўлланимлари нашр этиш, лотин ёзувида асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштириш, бу тизимга тўлиқ ўттиш бўйича ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шунингдек, ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятлари, шевалари, тарихий тараққиёти, унинг истиқбол билан боғлиқ илмий тадқиқотлар самарасини ошириш, кадрлар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилашга эришмоғимиз зарур. Бу ишлар учун молиявий ресурслар ва маблағларни асло аямаслигимиз керак.

Ўзининг бебаҳо асарлари билан она тилимизнинг қадрини ва қаддини тиклаган буюк мутафаккир аждодимиз Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мукамал энциклопедиясини яратиш ҳам олдимизда турган долзарб вазифалардан биридир.

Айни пайтда аҳоли, айниқса, ёшларимиз турли маълумотларни асосан Интернет ва ижтимоий тармоқлардан олмоқда. Бинобарин, она тилимизни жозибали ва қизиқарли тарзда тақдим этиш, бунинг учун ўзбек тилининг компьютер дастурларини, онлайн дарсликлар, электрон лўғатларни яратиш керак. Интернет имкониятларидан тўлиқ фойдаланиб, ўзбек тилини кенг тарғиб этиш бўйича ишларимизни кучайтиришимиз лозим.

Давлат тили масаласи миллий ғоямизнинг асосий тамойилларидан бири бўлиши зарур. Ёш авлод қалбига она тилимизни боғлиқдан сингдириш мақсадида таълимнинг барча босқичларида ўзбек тилини замонавий ва инновацион технологиялар асосида мукамал ўргатишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Токи, болаларимиз ўзбек тилида равои ўқийдиган, равои ёзадиган ва теран фикрлайдиган инсонлар бўлиб етишсин.

Жамиятимизда тил билан боғлиқ энг кўп муҳокама қилинаётган, ҳақли эътирозларга сабаб бўлаётган мавзу — бу жой номларини белгилаш масаласи, десак, халто бўлмайди.

Афсуски, жамоат жойларида, кўчаларда, бинолар пештоқида топонимик белгилар, турли лавҳа ва рекламалар кўпинча хорижий тилларда, маънавиятимизга ёт мазмун ва шаклларда асқ эътирилмоқда. Бу давлат тили талабларига, миллий маданият ва қадриятларимизга беписандликдан, умумий саводхонлик даражаси эса тушиб кетаётганидан далолат беради.

Шу муносабат билан, Вазирлар Маҳкамаси Атамалар комиссияси билан биргаликда ушбу масалаларни кенг жамоатчилик иштирокида жиддий ўрганиб чиқиши ва тартибга солиши зарур.

Чунки ижтимоий объектларга ном бериш — бу шунчаки шахсий ёки хусусий иш эмас. Бу барчамизнинг ватанпарварлик ва маънавий савиямизни яққол кўрсатадиган ўзига хос мезондир. Буни ҳеч ким ҳеч қачон унутмаслиги керак.

Биз халқимизнинг тақдири, эртанги кун ҳақида ўйлар эканмиз, энг аввало, миллатимизнинг асл фазилатларини, гўзал урф-одатларини, бетақор санъатимиз ва адабиётимизни, она тилимизни кўз қорачиғидай сақлашимиз зарур.

**Мухтасар айтганда, ҳар биримиз давлат тилига бўлган эътиборни мустақилликка бўлган эътибор деб, давлат тилига эҳтиром ва садоқатни она Ватанга эҳтиром ва садоқат деб билишимиз, шундай қарашни ҳаётимиз қондирагани айлантиришимиз лозим.**

Бу олжанов ҳаракатни барчамиз ўзимиздан, ўз оиламиз ва жамоамиздан бошлашимиз, она тилимизга, урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга меҳримизни амалий фаолиятда намоён этишимиз керак.

Мухтарам ватандошлар!

Сизлар ва бутун халқимизни ўзбек тили байрами билан яна бир бор чин қалбимдан табриклайман.

Барчангизга сийҳат-саломатлик, оилаларингизга файзу барақа, бахту саодат тилайман.

Ўзбек тили — она тилимизнинг нуфузи, обрў-эътибори янада зиёда бўлсин!

Шундай бебаҳо бойлик соҳиб бўлган, уни ҳаммиса асраб-авайлаб келаётган азиз халқимиз омон бўлсин!

Эътиборингиз учун раҳмат.

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

### ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ДАВЛАТ ТИЛИ СИФАТИДАГИ НУФУЗИ ВА МАВҚЕНИ ТУБДАН ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Халқимизнинг кўп асрлик маданий, илмий-маърифий ва бадиий тафаккури, интеллектуал салоҳиятининг ёрқин ва баёхо маҳсули бўлган ўзбек тили жаҳондаги бой ва қадимий тиллардан бирidir.

Ўзбекистонда 1989 йил 21 октябрда эл-юртимиз асрлар давомида орзу қилиб, интилиб ва курашиб келган давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши мамлакат суверенитети ва мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди. Айнан ана шу тарихий ҳужжатга биноан ўзбек тили мустақам ҳуқуқий асос ва юксак мақомга эга бўлди.

Истиқлол йилларида она тилимиз том маънода давлат тилига айланиб, халқимизни юртимизда эркин ва озод, фаровон ҳаёт қуришда буюк марраларга сафарбар этадиган беқиёс куч сифатида майдонга чиқди.

Бугун Ўзбекистонимиз "Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари" деган бош тамойил асосида тараққиётнинг янги, янада юксак босқичга кўтарилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида давлат тилининг ҳаётимиздаги ўрни ва нуфузи тобора охиб бормоқда.

Ўзбек тили сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий жабҳаларда фаол қўлланиб, халқро минбарларда баралла янграмоқда. Хорижий мамлакатларда тилимизга эътибор ва уни ўрганишга қизиқиш кучаймоқда.

Бугунги глобаллашув даврида ҳар бир халқ, ҳар қайси мустақил давлат ўз миллий манфаатларини таъминлаш, бу борада аввало ўз маданиятини, азалий қадриятларини, она тилини асраб-авайлаш ва ривожлантириш масаласига устувор аҳамият қаратиши табиийдир.

Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-усиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиси палаталари, Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи, Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси, "Тараққиёт стратегияси" маркази ва кенг жамоатчиликнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун — 21 октябрь санасини "Ўзбек тили байрами кунини" деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тузилмасида ходимларининг умумий чекланган сон 9 та штат бирлигидан иборат **Давлат тилини ривожлантириш департаменти** ташкил этилсин ва унинг тузилмаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Куйидагилар Давлат тилини ривожлантириш департаментининг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан мониторингнинг амалга ошириш, ушбу соҳада жамоатчилик назоратининг самарали шакллари жорий этиш;

давлат органлари ва ташкилотлари, жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат тилини ривожлантириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан давлат назоратини ташкил қилиш бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат тилининг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш юзасидан, шунингдек, уни ривожлантириш соҳасида янгона давлат сиёсатини юритиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбек тилининг ёзма нутқи меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқиш бўйича ҳамда лотин ёзуви асосланган ўзбек алифбосини тўлиқ жорий этиш борасидаги ишларни жадаллаштириш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат тилини ривожлантириш бўйича дастурлар ва "йўл хариталарини" ишлаб чиқиш, уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш, шунингдек, "Ўзбек тили байрами кунини" нишонлаш бўйича ишларни

мувофиқлаштириш;

илмий асосланган янги сўз ва атама-ларни истеъмолга киритиш, замонавий атамаларнинг ўзбекнона муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланишини таъминлаш, географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш;

давлат тилини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада халқро ҳамкорлиқни амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) **уч ой муддатда:**

"Ўзбек тили байрами кунини"ни белгилаш бўйича қонун лойиҳасини;

"Давлат тили ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини бугунги кун талаблари нуктаи назардан такомиллаштирилган ҳолда унинг янги тахрирдаги лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритсин;

б) **икки ой муддатда** хорижий давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда илмий асосланган янги сўз ва атамаларни расмий истеъмолга киритиш бўйича **Атамалар комиссиясини** ташкил этиш ва унинг фаолиятини тартибга солиш тўғрисида қарор қабул қилсин;

в) **2020 йил 1 июнга қадар** қуйидаги асосий йўналишларни ўз ичига олган **2020-2030 йилларда ўзбек тилини ривожлантириш ҳамда тил сиёсатини такомиллаштириш концепцияси ва давлат дастури** лойиҳаларини киритсин;

мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча соҳаларида, жумладан, давлат бошқаруви, замонавий ва инновацион технологиялар, саноат, банк-молия тизими, ҳуқуқшунослик, дипломатия, ҳарбий иш, тиббиёт ва бошқа соҳаларда давлат тилининг имкониятларидан тўлиқ ва тўғри фойдаланишга эришиш;

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Ш.МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2019 йил 21 октябрь

## МИЛЛИЙ МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ БИТМАС-ТУГАНМАС МАНБАИ

Пойтахтимиздаги муҳташам Халқро Конгресс марказида 21 октябрь куни ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали байрам тадбири бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, ҳукумат аъзолари, давлат ва жамоат арбоблари, дипломатик корпус вакиллари, ижодкор зиёлилар, тилшунос олимлар, ёшлар иштирок этди.

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев йиғилганларни, бутун халқимизни ушбу тарихий сана билан табриқлаб, ўзбек тилининг тараққиёти ва истиқболлари ҳақида нутқ сўзлади.

Тил миллат мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат, таъбир жоиз бўлса, унинг паспортидир. Тилнинг бутун қудрати, сехру жозибаси, аввало, ана шу тилининг яшовчанлигида, унда яратилган бадиий адабиётда намён бўлади. Шу боис ўзганини таниган ҳар бир миллат она тили ва адабиётини асраб-авайлайди, унинг ривожини йўлида бор куч-салоҳиятини сафарбар этади.

Мустабид тузум даврида миллий тилларни, жумладан, ўзбек тилини ҳам йўқотишга кўп уришиллар бўлди. Она тили миллиятимиз зиёлилари каби қатагон қилинди, давлат идоралари туғул оддий давраларда ҳам сўзлаш воситаси сифатида ўрнини йўқотар даражага келиб қолди.

Ана шундай бир пайтда, миллий истиқлол арафасида халқимиз ўз она тилини — миллий гурурини сақлаб қолди. Миллатларвар зиёлилар, тилимиз фидойиларининг жонкуярлиги натижасида 1989 йил 21 октябрь куни қабул қилинган қонунга асосан, ўзбек тили мамлакатимизда давлат тили мақомига эга бўлди. Мустабид тузум даврида ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши Ватанимиз мустақиллиги сари қўйилган дастлабки дадил қадам эди.

Ҳар қайси халқнинг она тили унинг миллий руҳи ва ўзигининг, миллий гоёсининг асосини ташкил этади. Тил ва халқ тушунчалари барча замонларда ўзаро уйғун ҳолда идрок қилинган. Тилсиз халқ ва халқсиз тил бўлмайди.

Мустақиллик йилларида она тилимизнинг мақомини тиклаш, ўзбек тилини кенг истеъмолга киритиш маънавий соҳадаги ислохотларнинг ўзига айланди. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлар ва қарорлар ўзбек тилида ёзилди, таълим мактапларида ўзбек тилини ўқитиш, она тили воситасида ёш авлод онгига миллий гурур-ифтихор туйғуларини синдиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбек тилининг халқимиз, жамиятимиз ривожидagi муҳим роли билан боғлиқ қўллаб-таъқиқотлар олиб борилди, бир қанча терминологик, таржима, этимологик, изоҳли лугатлар, қо-

муслар дунё юзини кўрди.

Кейинги йилларда Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, маънавий-маърифий соҳада амалга оширилаётган изчил ўзгаришларда тилимиз ривожига қаратишган саъй-ҳаракатлар алоҳида ўрин тутди. Ўзбекистон тараққиётининг бугунги янги босқичи — миллий оқсалиш даври талабларидан келиб чиқиб, она тилимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил этилгани она тилимизнинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш, уни илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш ва қўлланиш доирасини кенгайтириш, филолог кадрлар тайёрлаш борасидаги ишларни янги поғонага кўтарди.

Бугунги кунда мамлакатимизда шакланган одил ва холис тил сиёсати натижасида ўзбек тили нуфузли минбарлардан янграмоқда, хорижий мамлакатларда ўзбек тилини ўрганишга иштиёқ тобора кучаймоқда. Ўзбекистоннинг яқинда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашига аъзо бўлиб қўшилгани ҳамда Озарбайжоннинг Боку шаҳрида бўлиб ўтган ташкилотнинг навбатдаги саммитида тенг ҳуқуқли аъзо сифатида иштирок этгани ўзбек тилининг нуфузини ошириш йўлидаги муҳим қадам-

лардан бўлди.

Президентимизнинг жорий йил 4 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг "Давлат тили ҳақида"ги қонунни қабул қилинганнинг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида"ги қарори дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тилини улуғлаш, унинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, маънавий-маърифий тараққиётдаги нуфузини юксалтиришда беқиёс аҳамият касб этади.

Мазкур қарорга мувофиқ, жойларда ўзбек тили байрамлари, сайиллар, адиблар билан учрашувлар, давра суҳбатлари, мактабларда иншолар танловлари ўтказилди, театр ва кинотеатрларда, маданият саройларида буюк алломуларимиз ҳақида спектакллар, фильмлар намойиш этилди.

— Бундан ўттиз йил олдин қабул қилинган "Давлат тили ҳақида"ги қонун нечоғли тарихий ҳужжат бўлса, Президентимизнинг ушбу санани нишонлаш тўғрисидаги қарори ҳам ана шундай аҳамиятга эга, — дейди ЎзРФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти директори Низо-миддин Маҳмудов. — Ўзбек тили ўттиз йил давомида жуда катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Ўзбек тилининг янги беш жилдлик изоҳли лугати, ўзбек қомун-сий лугати нашр қилинди. Мазкур тантананинг Ўзбекистонга қўруқ салобат бахш этиб турган янги саройда ўтказилаётгани ҳам

ўзига хос рамзий маънога эга. Бу биналар мустақил юртимизнинг миллий тикланишдан — миллий юксалишга интилаётгани далолати бўлиб, тил байрамнинг мазкур масканда нишонланиши она тилимизга бўлган юксак ҳурматнинг яққол ифодасидир.

Ушбу тарихий санадан ўттиз йил ўттиб бу борада яна бир қутлуғ қадам қўйилди. 2019 йил 21 октябрь куни Президентимизнинг "Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони қабул қилинди. Фармонга биноан 21 октябрь санаси юртимизда "Ўзбек тили байрами кунини" деб белгиланди.

Тантанали маросимда эълон қилинган ушбу хушхабарни бутун халқимиз катта хурсандчилик билан қарши олди.

Президент она тилимизнинг давлат ва жамият ҳаётидаги таъсири ва мавқеини янада ошириш, "Давлат тили ҳақида"ги қонунни бугунги кун талабларидан келиб чиқиб такомиллаштириш зарурлигини таъкидлади. Бу борадаги долзарб вазифаларга алоҳида эътибор қаратди.

Байрам тадбири сўнггида санъат усталари иштирокида Ватан, халқ, ва она тилимизни тарафдор этувчи концерт дастури намойиш этилди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ,  
ЎЗА МУХБИРИ

**ПОЙТАХТИМИЗДА**  
“English Law Day in Tashkent” (“Тошкентда инглиз ҳуқуқи”) халқаро конференцияси бўлиб ўтди. Форум Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан ташкил этилди.

**“ENGLISH LAW DAY IN TASHKENT”**  
ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОНДА ИНГЛИЗ ҲУҚУҚИНИ ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ  
МАЪЛУМОТ ҲАМДА ТАЪЛИҚ  
INTERNATIONAL CONFERENCE  
PERSPECTIVES ON IMPLEMENTATION OF ENGLISH LAW IN UZBEKISTAN  
LEAD SPEAKER: ROSLAMBEK DAVLETOV — MINISTER OF JUSTICE OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



Тадбирдан қўзланган мақсад Президентимизнинг 2019 йил 15 майдаги “Навоий вилоятини инновацион, юқори технологияларга асосланган, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар учун эркин иқтисодий зона сифатида белгиланган чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, Ўзбекистонда инглиз ҳуқуқини жорий этишнинг долзарб жиҳатларини муҳокама қилиш, инглиз ҳуқуқи соҳасида фаолият юритувчи хорижий ҳуқуқшунослар билан тажриба ва фикр алмашишдан иборат.

Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Фармони билан Адлия вазирлигига “Навоий” ЭИЗ ҳудудида иш юритишда инглиз тилидан фойдаланиб, инглиз стандартлари, та-

## Тошкентда инглиз ҳуқуқи куни ўтказилди

мойиллари ва нормалари асосида “Навоий” ЭИЗ иштирокчилари ўртасидаги муносабатларни тартибга солишни назарда tutuvchi алоҳида ҳуқуқий режим ўрнатиш бўйича таклифлар киритиш вазифаси топширилган эди.

Бу вазифани амалга ошириш учун вазирлик томонидан хорижий давлатларнинг ўз ҳудудида инглиз ҳуқуқи тизимини жорий этиш бўйича хорижий илғор тажриба ва ушбу тизимни Ўзбекистон ҳудудида қўллаш истиқболларини ўрганиш юзасидан фаол ишлар амалга оширилмоқда.

Анжуманнинг биринчи кунини тадбир “English Law Day in Tashkent” мавзусида халқаро

конференция форматида бўлиб ўтди. Унда инглиз ҳуқуқидан сўнгги ўзгаришлар, хусусан, инглиз ҳуқуқини халқаро арбитраж билан қўшилиши ва сингдирилиши бўйича иш юритишда қўллаш масалалари муҳокама қилинди. Тадбир Англия ва Уэльс юристлар жамияти (The Law Society of England and Wales) ва Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Иккинчи кун Ўзбекистон Адлия вазирлиги томонидан “Ўзбекистонда инглиз ҳуқуқи нормаларини жорий этиш истиқболлари” мавзусидаги халқаро конференция ўтказилди. Анжуман иштирокчилари континентал ҳуқуққа

эга мамлакатларда инглиз ҳуқуқини жорий этишнинг долзарб масалалари, хусусан бу соҳада хорижий мамлакатлар тажрибаси ва Ўзбекистон истиқболларини муҳокама қилди.

Жумладан, хорижий инвестицияларни рағбатлантиришга ҳамда Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришга кўмак берадиган ҳуқуқий режим яратишда инглиз қонунларини мослаштириш ва қўллаш имкониятлари, суд тизимининг инглиз қонунларини амалга оширишдаги роли ҳуқуқсизда сўз борди. Шунингдек, экспертлар Қозғистон, БАА, Катар ва Сингапурнинг инглиз қонунларини қўллаш борасидаги тажрибасини тақдим этидилар.

Асосий эътибор Ўзбекистон Республикасида инглиз ҳуқуқи нормалари жорий этишнинг аҳамиятига қаратилди.

Иштирокчиларни ўз ҳудудларида инглиз ҳуқуқидан фойдаланувчи мамлакатлар тажрибаси билан яқиндан таништириш мақсадида Адлия Лорди Питер Гросс, МФЦА бошқаруви маслаҳатчиси Игорь Рогов, МФЦА Суди аппаратининг регистратори ва раҳбари Кристофер Кэмпбелл-Холт, “Norton Rose Fulbright” халқаро юридик фирмаси катта юристи Саймон Кох каби эксперт ва ҳуқуқшунослар ҳамда Буюк Британия юридик доира вакиллари жалб қилинган.

Конференция якуни бўйича Ўзбекистон ҳудудида инглиз ҳуқуқи нормаларини жорий этиш истиқболларини кўзда tutuvchi таклифлар ишлаб чиқилди.

Маълумот учун: Қозғистон, ХХР, БАА, Сингапур ва бошқа мамлакатларда инглиз ҳуқуқидан фойдаланиш амалиёти йўлга қўйилган. Жорий йилнинг июнь ойида Адлия вазирлиги делегацияси Қозғистонга ташрифи доирасида “Астана” халқаро молия марказининг инглиз ҳуқуқини татбиқ этишга доир тажрибасини ўрганди.

Ташриф якуни бўйича ушбу тизимни “Навоий” ЭИЗ ҳудудида жорий этиш бўйича таклифлар тайёрланди.

Бундан ташқари, Адлия вазир Р. Давлетовнинг 2019 йил 25-28 июнь кунлари Лондон шаҳрига ташрифи доирасида ҳам Буюк Британиянинг тегишли ташкилотлари билан қатор учрашувлар ташкил этилган эди. Уларда Ўзбекистон раҳбарининг республикамиз ҳудудида инглиз ҳуқуқини жорий этишга доир ташаббуси муҳокама қилинган эди.

Британия вакиллари мазкур масалани ўрганишда эксперт ёрдами кўрсатишга тайёр эканини билдирган. Ўзбекистонда инглиз ҳуқуқини жорий этиш истиқболларини муҳокама қилиш бўйича конференция ташкил этишга келишиб олинган.



**Русланбек ДАВЛЕТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги:

— Айни вақтда Ўзбекистонда бир неча ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Биринчидан, мамлакатда давлат бошқарувининг янги моделига ўтиш бўйича туб маъмурий ислохотлар олиб борилмоқда. Бунда ҳам давлат органларининг имижини ва маҳсулдорлигини ошириш, антикоррупциявий чоралар билан тадбиркорлар учун маъмурий енгилликлар бериш ва бу билан иқтисоднинг ўсиши кўзда тутилган.

Шунингдек, ислохотларда асосий эътибор бизнесда турли бюрократик босқичларни қисқартиришга қаратилмоқда. Биз бу борада 80 га яқин лицензия ва рухсатномаларни бекор қилдик. Лицензия ва рухсатномаларнинг расмийлаштириш мuddати қисқартирилди.

Давлатга бўлган ишончни ҳимоя қилиш принципи яратилган бўлиб, у ҳалол сармоядорлар ва тадбиркорлик субъектларини мансабдор шахсларнинг қутилмаган маъмурий хатти-ҳаракатларидан ҳимоя қилиш механизмларини назарда тутди.

Иккинчидан, бизнес ва инвестиция киритишда қўлай шароитлар яратиш мақсадида иқтисодий эркинлаштирилиши олиб борилмоқда. Иқтисодий фаолиятда турли соҳаларда 300 га яқин имтиёз ва преференциялар ўрнатилди. Айни вақтда 21 та эркин иқтисодий зона ташкил этилган. Бу йилдан солиқ юкини кескин камайтиришни ўзида акс эттирган солиқ тизими амалга киритилди.

Учинчидан, суд-ҳуқуқ соҳасида комплекс чоралар қўрилмоқда. Жамият ва ислохотдан кўп нарсаси кўтмоқда. Балки биз айни вақтдаги суд-ҳуқуқ соҳасидан 100 фоизли қониқ ҳосил қилмасмиз, лекин ўзгаришлар бўлмоқда.



**Чика МУРА,**  
Англия ва Уэльс юристлар жамияти вакили:

муҳокама этилди. Бир компаниянинг бошқа компания томонидан сотиб олинishi ёки уларнинг қўшилиши, шунингдек, қурилиш жараёнларида инглиз ҳуқуқининг қўлланилиши масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўйлаيمانки, мамлакатингизда инглиз ҳуқуқининг татбиқ этилиши турли компаниялар орасидаги ўзаро баҳслар ёҳуд халқаро миқёсда тадбиркорликни ривожлантиришда юзага келадиган муаммоларни ижобий ҳал этишга имкон беради. Бу Ўзбекистон тараққиёти учун ҳар тарафлама фойдалидир. Биз эса ушбу ҳуқуқни жорий этишда ҳамкорликка тайёрмиз.



**Нодир СИДИҚОВ,**  
“Fieldfisher” халқаро юридик фирмаси ҳамкори:

— Инглиз ҳуқуқини капитал бозорда, икки томонлама иқтисодий битимларда

— Бугун бутун дунё мамлакатингизда рўй бераётган ўзгаришларни катта қизиқиш билан кузатмоқда ва барча соҳада, жумладан, суд-ҳуқуқ соҳасида олиб борилаётган ислохотларни ижобий баҳоламоқда.

Форум доирасида халқаро миқёсда турли савдо ҳамда бошқа соҳаларда шартнома-лар тузилишида Англия ёки инглиз ҳуқуқининг қўлланилиши масаласи

муҳокама этилди. Бир компаниянинг бошқа компания томонидан сотиб олинishi ёки уларнинг қўшилиши, шунингдек, қурилиш жараёнларида инглиз ҳуқуқининг қўлланилиши масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Ўйлаيمانки, мамлакатингизда инглиз ҳуқуқининг татбиқ этилиши турли компаниялар орасидаги ўзаро баҳслар ёҳуд халқаро миқёсда тадбиркорликни ривожлантиришда юзага келадиган муаммоларни ижобий ҳал этишга имкон беради. Бу Ўзбекистон тараққиёти учун ҳар тарафлама фойдалидир. Биз эса ушбу ҳуқуқни жорий этишда ҳамкорликка тайёрмиз.



**Кристофер Кэмпбелл-Холт,**  
МФЦА Суди аппаратининг регистратори ва раҳбари:


чиқишларимизда инглиз ҳуқуқининг жорий этилиши давлатимизга нима берди, ютуқ ва камчиликлар ҳусусида сўхбатлашдик. Ай-тишим лозим, Қозғистон ва давлатингизнинг континентал ҳуқуқи жуда ўхшаш. Яъни, бизнинг ҳуқуқий тизимларимиз бир-бирига жуда яқин. Шу сабабли ҳам мен ўз маърузамда инглиз ҳуқуқининг жорий этилиши босқичлари ҳақида гапирдим. Шунингдек, араб давлатларида узоқ йиллар ишлаганим боси у ердаги суд тизими-га оид тажрибаларим билан ҳам бўлишимди. Бугунги конференция Ўзбекистон учун ниҳоятда аҳамиятли. Боси, бу орқали турли давлатларнинг инвестиция жозибадорлигини ошириш, суд-ҳуқуқ тизимини ривожлантиришдаги ютуқлар ва камчиликларни ўрганишга яхши имконият беради.

жозибадорлигини оширишдаги тўсиқларни олишга кўмаклашади. Умуман, бу тизим шартнома қандай тузилади, ташкилий ишлар қандай олиб борилади — ҳаммасини тартибга солади. Бизнинг мамлакатга татбиқ қилиниши мумкин бўлган қўлай нормалар мавжуд. Масалан, компания ташкил қилиш шартлари. Бизнинг қонунларга кўра устав ёки таъсис шартномаларининг аниқ формати мавжуд бўлиб, унда чапга ўнгга юра олмайсиз. Инглиз ҳуқуқида эса компания тузиш бўйича шартномадаги шартлар жуда эркин. Масалан, мен кўпроқ пул киритганим учун дастлабки икки йилда дивиденд олишим мумкин. Аммо бизда бундай эркин қондалар мавжуд эмас. Инглиз ҳуқуқининг киритилиши мана шу каби имтиёзларни оширади.

**Мадина ҲАМДАМОВА,**  
“Инсон ва қонун” муҳбири

## МАХСУС КОМИССИЯ АРИЗАЛАРНИ НЕГА КЎРИБ ЧИҚМАДИ?

**СЎНГИ йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида тadbиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни, рухсатнома, лицензия бериш ва бошқа давлат хизматларини кўрсатиш тақомиллаштирилиб, қисқа ва соддалаштирилган тартиблари жорий этилмоқда.**



Бироқ ҳали-ҳанузгача айрим давлат ташиқлотлари томонидан тadbиркорлик субъектларига зарур рухсатномаларни беришда, айрим бюрократик тўсиқлар ва сансалорликлар учрамоқда.

Жумладан, Учтепа туман адлия бўлими томонидан Адлия вазирлигининг "Адлия тadbиркорга дўст" лойиҳаси доирасида ўтказилган аноним сўровномалар жараёнида тadbиркорлик субъектлари А.Х., У.Э., А.А. ва Х.Ш.лар алкоғолли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномаси беришга тўловларни амалга ошириб, махсус комиссияга барча ҳужжатларни топширганлиги, лекин орадан

бир ойдан ортиқ муддат ўтган бўлса-да, масаласи ҳал этилмаётганлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳолат ўрганилганда, туман ҳокимлиги ҳузуридаги махсус комиссия масъул ходимлари томонидан мазкур тadbиркорлик субъектларининг рухсат гувоҳномаларини бериш тўғрисидаги аризалари кўриб чиқилмасдан, қонунбузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Мазкур қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан Учтепа туман адлия бўлими томонидан кўрилган таъсир чораларига асосан тadbиркорлик субъектларига алкоғолли маҳсулотларни сотиш ҳуқуқи учун рухсат гувоҳномалари берилди. Ушбу қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган айбдор масъул шахс билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинди.

Ҳозирда тadbиркорликнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш учун тўлиқ қонуний асослар мавжуд ва уларнинг ижросини таъминлаш адлия органлари ходимларининг доимий назоратидадир.

**Отабек НЕГМАТОВ,**

Учтепа туман адлия бўлими бошлиғи

## АДЛИЯ ТАДБИРКОРГА ДЎСТ

**АДЛИЯ вазирлиги илк мартаба янгича ёндашуве асосида Бош вазирнинг Тadbиркорлар мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича қабулхонаси билан ҳамкорликда "Адлия тadbиркорга дўст" лойиҳасини амалга оширмоқда.**



Мазкур лойиҳа доирасида тadbиркорларнинг фикрлари ва таклифларини ўрганиш орқали уларнинг фаолиятида юзага келаётган муаммоларини ҳал этиш, тadbиркорларнинг молиявий ва ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, давлат хизматларини кўрсатиш тизими ҳамда мазкур соҳани тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада тақомиллаштириш режалаштирилган.

Бу борада туман (шаҳар) адлия бўлиmlари томонидан ҳам тadbиркорларнинг муаммоларини ҳал этиш чоралари кўриб борилмоқда.

Жумладан, Музработ туман адлия бўлимига тadbиркор Қ.Расулов ("ОУБЕК АВТОТРАНС" МЧЖ раҳбари) ўзи раҳбарлик қилаётган МЧЖ ва "Музработ пахта тозалаш" АЖ ўртасида 2017 йил 17 сентябрда Автомобиль транспортда хашарчиларни ташини бўйича шартнома тузилганлиги ҳамда МЧЖ томонидан бир неча бор талаб қилинишига қарамасдан мазкур шартномага асосан бажарилган хизмат тўловлари ўз вақтида тўлаб берилмаётганлиги юзасидан мурожаат қилган.

Бўлим томонидан тadbиркорнинг ушбу мурожаати тақдим этилган ҳужжатлар

асосида ўрганиб чиқилиб, асослар етарли, деб топилди ва Шеробод туманлараро иқтисодий судига кўрсатилган транспорт хизмати учун тўланмаган асосий қарз ва пеня ундириш ҳақида (68 934 000 сўм асосий қарз ва 34 467 000 сўм пеня) даъво аризаси киритилиб, суд томонидан қаноатлантирилди.

Худди шунингдек, бўлим томонидан яна 2 та ҳолатда тadbиркорлар Б.Норматов ("SURXON BUNYODKOR LOYIHA" МЧЖ раҳбари) ва Ф.Эгамов ("Музработ автомобилларда юк ва йўловчи ташиш" МЧЖ раҳбари)ларнинг манфаатларини кўзлаган ҳолда иқтисодий судга жами 450 миллион сўмдан ортиқ миқдордаги даъво аризалари киритилди ва бунинг натижасида тadbиркорларнинг адлия органларига ишончи ортиб бормоқда.

**Сафар ТУРСУНОВ,**  
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

## АТТЕСТАЦИЯДА ИЖОБИЙ БАҲОЛАНГАН ХОДИМ ИШДАН БЎШАТИЛДИ



**НУКУС шаҳри, 23-кичик туманда яшовчи фуқаро З.Шанаевнинг Ўзбекистон Республикаси Сўв ҳўжаллиги вазирлиги "Қорақалпоғистон Сув қурилиш инвест" давлат унитар корхонаси томонидан ноқонуний равишда ишдан бўшатиб юборилганидан норози бўлиб ёзган шикоят Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ўрганиб чиқилди.**

Ўрганиш натижасида З.Шанаева корхона раҳбарияти томонидан 2019 йил 4 июлда Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-бўлими, 2-бандига асосан эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган.

З.Шанаева "Корхона ходимларини аттестациядан ўтказиш ишларини ташкиллаштириш тўғрисида"ги буйруққа мувофиқ аттестациядан ўтказилган ва эгаллаб турган лавозимига лойиқ, деб топилган.

Аммо иш берувчи томонидан аттестация комиссиясининг қарори эътиборга олинмай, эгаллаб турган лавозимига нолийқ ва малакаси етарли эмас, деб топилди, у лавозимидан ноқонуний равишда бўшатиб юборилган.

Аниқланган қонунбузилишлар натижасида фуқаронинг манфаатини кўзлаб корхонанинг ишдан бўшатишга оид буйруғини ҳақиқий эмас, деб топилди

ва уни эгаллаб турган лавозимига қайта тиклашни ҳамда жавобгардан мажбурий бўш юрган кунлари учун компенсация ва маънавий зарар ундириб беришни сўраб фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Суд корхона томонидан қабул қилинган буйруқни ҳақиқий эмас, деб топиб, З.Шанаевни ўз лавозимига қайта тиклаш ҳамда жавобгардан 5 миллион 267 минг 145 сўм иш ҳақи ва 2 миллион 500 минг сўм манавий зарар ундириш тўғрисида ажрим қабул қилди.

Вазирлик томонидан киритилган даъво ариза қаноатлантирилди, фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

**Ғайрат ТЛЕУМУРАТОВ,**  
Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги масъул ходими

## 190 МИЛЛИОН СЎМЛИК ЗАРАР УНДИРИЛДИ

**МАЪЛУМКИ, ер участкалари ҳамда бино-иншоотлар жойлашган ер майдонларининг давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши билан боғлиқ муаммолар бузувчи куннинг энг эътиборли мавзуларидан бири бўлиб турибди. Учкўприк туманида яшовчи фуқаро Одилжон Мелибоев ҳам бу борада ҳуқуқи бузилган юртдошларимиздан бири бўлиб чиқди.**

Туман адлия бўлими томонидан унинг мурожаатини ўрганиш жараёнида аниқланишича, 2018 йил 6 сентябрда Учкўприк туман ҳокимининг "Учкўприк тумани марказидан ўтган автомобиль йўлининг қизил қизик минтақасидаги объектларни бузиш тўғрисида"ги 1340-сонли қарори қабул қилиниб, унга асосан О.Мелибоевга тегишли, 131,6 метр квадратдан иборат 5-сонли арзонлаштирилган моллар дўкони ва майдони 62 метр квадрат бўлган хусусий дўкони бузилган. Мустакил баҳоловчининг расмий хулосаси ва ҳисоботига асосан арзонлаштирилган моллар дўкони 114.943.000 сўмга, хусусий дўкон эса 75.284.000 сўм қийматда баҳоланган. Аммо туман ҳокимлиги орадан салкам бир йил вақт ўтса ҳам фуқарога етказилган зарарни қопламаган.


Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 29 майдаги 97-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйилиши муносабати билан фуқароларга ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш тартиби тўғрисидаги Низом"нинг 8-бандида ер участкаси давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилиши оқибатида

етказилган зарарларни тўлалигича қоплашиши, Ер кодексининг 41-моддасида эса жисмоний шахсларга берилган ер участкалари давлат ёки жамоат эҳтиёжлари учун мазкур шахсларнинг хоҳишига кўра туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарори билан аввалги ер участкаси билан айнан бир хил ер участкаси ажратилгач, шу ер участкаси олиб берилмаётган корхоналар, муассасалар ва ташиқлотлар олиб қўйилмаётган ер участкасининг ўрнига янги жойда уй-жой, ишлаб чиқариш бинолари ва бошқа иморатларни қуриб берганидан кейин ҳамда ушбу Кодекснинг 86-моддасига мувофиқ бошқа барча зарарлар (шу жумладан бой берилган фойда) тўла ҳажмда қопланганидан кейин олиб қўйилиши мумкинлиги белгиланган.

Шунга кўра, Учкўприк туман адлия бўлими томонидан қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан туман ҳокими номига тақдимнома киритилган бўлса-да, муаммо бартараф этилмаган. Бинобарин, туман адлия бўлими Учкўприк туман ҳокимлигидан О.Мелибоевга етказилган 190.227.000 сўм зарарни ундириш ҳамда ҳокимлик зиммасига янги дўконларни қуриш учун 193 метр квадрат ер участкаси ажратиш мажбуриятини юклаш бўйича фуқаролик ишлари бўйича Кўкон туманлараро судига даъво ариза киритилди. Натижада суд томонидан мазкур даъво қаноатлантирилиб, фуқаронинг бузилган ҳуқуқи тикланди.

**Шукуржон ХОЛМАТОВ,**  
Учкўприк туман адлия бўлими бошлиғи

## ҚУРИЛИШИ БИТМАГАН УЙ БИТИШИ УЧУН МУДДАТ ҚЎЙИЛДИ



**МАМЛАКАТИМИЗДА аҳоли сони ўсиб бораётгани натижасида кейинги йилларда ҳар қарч ернинг қадрли оқиб, одамларнинг уй-жойли бўлишида талай муаммолар келиб чиқа бошлади. Бу муаммога барҳам бериш мақсадида Президентимиз томонидан ҳалқимиз турмуш тарзи, орзу-истакларига ҳамоҳанг яхлит тизим ишлаб чиқилди.**

Жойларда қурилаётган намунавий уй-жойлар қишлоқларимиз киёфасининг янада замонавий кўринишга келишида ҳамда фуқаролар учун ихчам, қулай ва арзон уйларга эга бўлишида катта аҳамият касб этмоқда.

Лекин айрим "курувчи" ташиқлотлар қишлоқ жойларда намунавий уй-жойларни қуриш бўйича тузилган шартномадаги мажбуриятларини бажармаслиги фуқароларнинг белгиланган муддатларда ўзлари йиллаб орзиқиб кутган уйларига кўчиб кира олмаслигига сабаб бўлмоқда.

Хусусан, Жиззах вилоят адлия бошқармаси томонидан Зафаробод туманида яшовчи фуқаро Фарход Абдуалимовнинг намунавий уй-жойи қурилиши тугалланмаган

лигидан норози бўлиб ёзган мурожаати кўриб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаро Ф.Абдуалимов билан 2017 йил 8 февралда "Қишлоққурилиш инвест" МЧЖ ИК Жиззах вилоят филиали ва пудратчи "SOFIYA INVEST STROY" МЧЖ ўртасида Зафаробод тумани "Узун-2" аҳоли пунктидаги "С.Синдаров-2" массивида 2-қаватли 3-хонали уй-жой қуришга шартнома тузилиб, шартнома шартларига кўра, Ф.Абдуалимов белгиланган тўловларни тўлиқ тўлаган бўлса-да, қурилиш ишлари шартномада кўрсатилган 2017 йил 15 ноябрга қадар тугалланмаган.

Ўрганишда "Қишлоққурилиш инвест" МЧЖ ИК Жиззах вилоят филиали ўз шартномавий мажбуриятларини муддатига бажармаганли

ги оқибатида уй-жой қурилиши тугалланмаганлиги аниқланиб, адлия бошқармаси томонидан Ф.Абдуалимов манфаатида фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига шартнома шартларини асл ҳолича бажариш мажбуриятини юклаш ҳақида даъво аризаси киритилди.

Суднинг 2019 йил 24 сентябрдаги ҳал қилув қарори билан даъво ариза қаноатлантирилиб, "Қишлоққурилиш инвест" МЧЖ ИК Жиззах вилоят филиалига фуқаро Ф.Абдуалимовнинг уй-жойи қурилишини 2019 йил 24 октябрга қадар тугаллаш мажбурияти юклатилди.

**Шерали СУЮНОВ,**  
Жиззах вилоят адлия бошқармаси масъул ходими



**МАЪЛУМКИ, инсон ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида олий қадрият сифатида белгилаб қўйилган. Хусусан, Конституциямизнинг VII, VIII ва IX-бобларида фуқароларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлари кўрсатиб ўтилган.**



**2018 йил давомида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва унинг ҳудудий тузилмаларига истеъмолчилардан уларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги ҳолатлари юзасидан жами 13 089 та мурожаат келиб тушган бўлиб, улар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиштирилганида 1038 тага ошганлиги кузатилади.**

органи ходимларининг етарлича ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятга эга эмасликлари инсон ҳуқуқлари бузилишига олиб келадиган муаммоларнинг асосий сабабларига айланиб улгурган.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратилган қўйидаги таклифлар илгари сурилади:

- Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил (Омбудсман) масъулиятини ошириш;
- ҳуқуқлари бузилган шахслар билан биргаликда бунга сабаб бўлган шарт-шароитларни ўрганиш ва улар асосида фуқароларнинг ҳуқуқий

# ИНСОН ҲУҚУҚИ: УНИ БУЗИШГА ЙЎЛ ҚўЙИЛМАСЛИГИ КЕРАК

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари қаторига яшаш ҳуқуқи, эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи, судда ишларни кўриш жараёнида шахсий манфаатларни ҳимоя қилиш ҳуқуқи, ўз шаъни ва обрўсини қилган тажовулардан, шахсий ҳаётга аралашидан ҳимояланиш ва тураржойи дахлсизлиги ҳуқуқи, республика ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиш, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиб кетиш ҳуқуқи, фирмалаш, сўз ва эътиқод эркинлиги, виждон эркинлиги, сиёсий ҳуқуқ ва эркинликлар қаторига жамият ва давлат бошқарувида бевоқифа ҳамда ўз вакиллари оралиги иштирок этиш ҳуқуқи (сайлов ҳуқуқи, референдум, умумхалқ муҳокамасида иштирок этиш), митинглар, йиғилишлар, намойишлар ўтказиш ҳуқуқи, касба уюмлари, сиёсий партиялар ва бошқа оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи, давлат органлари, муассасаларга ёки мансабдор шахсларга ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқи; иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқ ва эркинликлар қаторига мулкдор бўлиш ҳуқуқи, омонатларнинг сир тугилиши, мерос ҳуқуқи, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш, дам олиш ҳуқуқи, ижтимоий таъминотга эга бўлиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқи, билим олиш ҳуқуқи, бепул умумий таълим олишга бўлган ҳуқуқ, ижод эркинлиги кабилар кирради.

Бирок таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар такомиллаштирилаётганлигига қарамай инсон ҳуқуқлари бузилиш ҳолатлари тез-тез дуч келмоқда.

Жумладан, 2018 йил давомида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ва унинг ҳудудий тузилмаларига истеъмолчилардан уларнинг ҳуқуқлари бузилганлиги ҳолатлари юзасидан жами 13 089

та мурожаат келиб тушган бўлиб, улар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан солиштирилганида 1038 тага ошганлиги кузатилади.

2019 йил 20 июлда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Улугбек Муҳаммадиев Kip.uz сайтига берган интервьюсида мамлакатда қайси соҳа йўналишлари бўйича инсон ҳуқуқлари нисбатан кўпроқ поймол этилаётганини маълум қилган. Унинг фикрларига кўра, ҳар йили тақдим этаётган ҳисоботларимиз тахминан 10-11 минг мурожаатни қамраб олади. Масалан, 2018 йили 10 800 та мурожаат келиб тушган. Шулар орасида шахсий ҳуқуқлар энг кўп даражада бузилиш ҳолатлари учрамоқда. Шунингдек, ижтимоий ҳуқуқлар поймол этилиши ҳам юқори кўрсаткичда.

Ундан кейинги энг кўп мурожаат шахсий ҳуқуқни суд оралиги ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлади. Кўпинча, суд ҳукмини адолатли эмас, деб толган фуқаролардан келиб тушади. Гарчи биз суд жараёнига таъсир қилишимиз мумкин бўлмаса ҳам, агар ўрганишлардан кейин асосли, деб топсақ, судга Омбудсманнинг тавсиявий хатини юборамиз. Бирок таъкидлаш жоизки, бу хат мажбурий характерда эмас.

Учинчи ўринда энг кўп мурожаатлар жазо мuddатини ўтаётган шахслар томонидан юборилади. Бундай шикоятлар сони охириги икки йил ичида сезиларли даражада ошди. Олдин тахминан йилга 200 та атрофида бўлса, ҳозир бу рақам янги йилнинг ўзидаёқ 900 тани ташкил қилмоқда.

Ўтказилган таҳлиллар инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши соҳасида қўйидаги ҳолатлар уларнинг бузилишига олиб келадиган асосий сабаблар бўлаётганлигини кўрсатмоқда:

Биринчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари тўлиқ даражада шаклланмаган.

Биламизки, давлат фуқароларининг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Мазкур норма ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ёки

бошқа давлат органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолияти, фуқароларнинг давлат органлари, корхона, муассаса ва ташкилотларга ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш, судга шикоят қилиш каби ҳуқуқлари билан рўйбага чиқади. Бирок фуқароларнинг мазкур қарорлардан тез ва сифатли фойдалана олиши амалиётда суст кечмоқда. Яъни, фуқаролар ўз ҳуқуқлари бузилганлигини билган тақдирда ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган механизмлардан етарлича фойдалана олмайдди. Бу, албатта, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган мавжуд механизмларни такомиллаштириш ҳамда янги шундай механизмларни яратиш лозимлигини далолат беради.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқлари бузилишига фуқароларнинг қонунчиликда мустаҳкамланган ўз ҳуқуқларидан хабардор эмаслиги ёки уларни амалга оширишга қаратилган чоралар, хусусан, талаб қилиш, ўз ҳуқуқлари бузилганлиги юзасидан судга ёки давлат органларига мурожаат этиш кабилардан фойдаланмаслиги сабаб бўлади. Фуқаролар ўз ҳуқуқлари бузилганлигини билган ҳолларда ҳам уларни бузилгани юзасидан шикоят билан мурожаат этишдан қочади.

Ҳўш, бундай лоқайдсизликка нима сабаб бўлмоқда? Фикримизча, фуқароларнинг бундай шикоятларга сабаб бўлган ҳолатларни арзимас ҳолат, деб баҳолашни, шикоят бериш ортқича овозгарчиликлар келтириб чиқаради ва ўзимни вақтимни олади ёки шикоят қилган тақдиримда ҳам ҳеч қандай чора кўрилмайди, деб ҳисоблашни, ҳуқуқбузар билан мунозарга киришишга уриниши, улар учун бундай ҳолатлар одатий кўринишга айланганлиги, кимга ва қай тарихга мурожаат этиш тартибидан беҳабар бўлиши, ҳуқуқбузарга нисбатан қарам кайфиятда бўлиши ёки кейинчилик тазийқ остида қолишдан қўрқилиш кабилар сабаб бўлади.

Учинчидан, давлат органлари мансабдор шахслари ёки хиз-

матчилари ўз ваколатлари доирасидан четга чиқилиш, ваколатларини суистеъмол қилиши инсон ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлаётган омиллардан биридир.

Хусусан, манбалар шахсий ҳуқуқлар бузилиши фуқароларни тергов жараёни билан боғлиқ бўлишини кўрсатади. Тергов эса ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолияти оралиги амалга оширилади.

Юқоридагилардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизми тўлиқ даражада шаклланмаганлиги, фуқаролар ва давлат

онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш йўналишларини белгилаб бориш;

- инсон ҳуқуқлари бузилиши эҳтимоли бўлган соҳаларда шаффофлик ва ҳолисликни таъминлаш оралиги инсон ҳуқуқлари бузилган ҳолларда самарали ҳимоя воситаларини мустаҳкамлаш;
- давлат органлари хизматчилари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириб бориш.

**Адиба САФАРОВА, ҳуқуқшунос**

## ЭЪЛОНЛАР

Юнусобод тумани Давлат хизматлари марказида 28.01.2019 йилда №675526 реестр тартиб рақами билан рўйхатдан ўтган "MINBAR NEWS MEDIA" масъулияти чекланган жамияти тасъисчисининг 2019 йил 17 октябрдаги йилгилиш қарорига асосан тугатилади. Давъолар (90) 357-97-00 телефон рақами оралиги қабул қилинади. ИHN: 306 050 571.

Мирзо Улугбек тумани тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 11.06.2007 йилда 2975-10-сонли реестр тартиб рақами билан қайта рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани, Қори Нисёй кўчаси, 3-уй, 14-хонадон манзилда жойлашган "TECO TASHKENT" масъулияти чекланган жамияти тасъисчисининг 2019 йил 30 сентябрдаги 2/19-сонли қарорига асосан тугатилади. Давъолар (+99871) 238-92-35 телефон рақами оралиги қабул қилинади. ИHN: 300 480 639.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 20.02.2019 йилда 690312 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Якуб колас кўчаси, 3-уй, 13-хонадон манзилда давлат рўйхатидан ўтган "PROF MEDIA TREND" масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 306 166 714) тасъисчисининг 2019 йил 06 октябрдаги 1-сон қарорига асосан тугатилади. Давъолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (90) 909-53-90.

Хоразм вилоят адлия бошқармасининг 2019 йил 5 октябрдаги 205-ум-сонли буйруғига асосан "BABAYEV ABDIYAZ" адвокатлик бюроси адвокати Бабаев Абдуя Ахмедовичга бошқарма томонидан 2018 йил 27 декабрда HZ №000117 рақам билан берилган адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокат мақоми тугатилади.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани "Ягона дарча" маркази томонидан 30.11.2017 йилда 556744 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Госпитал мавзеси, 36-уй, 4-хонадон манзилда давлат рўйхатидан ўтган "BIRKAT COMPANY" масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 305 156 964) тасъисчисининг 2019 йил 18 октябрдаги 3-сон қарорига асосан тугатилади.

Давъолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (90) 984-11-11.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 12.01.2018 йилда 564652 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, 2-муъуллш, Фаргона йўли 48-уй манзилда давлат рўйхатидан ўтган "STEPS" масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 305 213 165) тасъисчисининг 2019 йил 16 октябрдаги 1-сон қарорига асосан тугатилади.

Давъолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (91) 137-65-27.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 01.02.2019 йилда 678046 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Бобов 1-тор кўчаси, 5-уй манзилда давлат рўйхатидан ўтган "DECOR GULLAR OLAM" оилавий корхонаси (СТИП: 306 070 614) тасъисчисининг 2019 йил 18 октябрдаги 2-сонли йилгилиш қарорига асосан тугатилади. Давъолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (99) 800-51-15.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 20.02.2018 йилда 593908 рўйхат рақами билан Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Эски Откент 1-тулик кўчаси, 11А-уй манзилда давлат рўйхатидан ўтган "STORM SPIRIT" масъулияти чекланган жамияти (СТИП: 305 438 082) тасъисчисининг 2019 йил 05 октябрдаги 4-сонли йилгилиш қарорига асосан тугатилади.

Давъолар эълон чоп этилган кундан бошлаб 2 ой мобайнида қабул қилинади. Тел.: (99) 899-00-90.

Мирзо Улугбек тумани Давлат хизматлари маркази томонидан 15.11.2018 йилда 650150-сонли реестр рақами билан рўйхатдан ўтган Мирзо Улугбек тумани Қорасу мавзеси, 21-уй, 3-хонадон манзилда жойлашган "BOTIR LEON" масъулияти чекланган жамияти тасъисчисининг 2019 йил 21 августдаги 01-сонли қарорига асосан тугатилади. Давъолар эълон чоп этилган кундан бошлаб икки ой мобайнида +99899 853-00-11 телефон рақами оралиги қабул қилинади. ИHN:305 856 505

**ИНСОН ҚОНУН**

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

www.minjust.uz

ТШН 2010-7897

772010781000

**Бош муҳаррир**

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Тошқуллов Акбар Жўрабоевич  
Рабиев Шерзод Миржалипович  
Тожиёв Фурқат Шомуродович  
Искандаров Ербек Нурбекович  
Эргашева Диффуза Рустамовна  
Мамадалиев Зайдиндин Очилович

Тахририятга келган кўлемли тақрир қабул қилинади ва муаллифга қайтарилмайди.

**Навбатчи**  
Мадина Ҳамдамова

**Саҳифаловчи-дизайнер**  
Жасур Тожибоев

**Нашр индекси: 137**

"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси тахририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-3 бичимда, 2 босма табақ ҳажмида, офсет усулида "Ўзбекистон" нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.

**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

**Ушбу сонда ўЗА суратларидан фойдаланилди.**

Тиражи — 9811  
Буюртма — V-3844  
Тошпириш вақти — 19:00  
Тошпирилди — 02:20

**МАНЗИЛИМИЗ:**

100 115, Тошкент ш. Чилонзор кўчаси-29.

Факс: (0371) 277-02-97

Обуна бўлими: 277-02-57

Баҳос келишилган нарҳда

1 2 3 4 5



## МЕДИАТОРЛАР КИМ, МЕДИАЦИЯ НИМА?

РЕСПУБЛИКА юристлар малакасини ошириш марказида медиаторлар учун ўқув курслари ташкил этилди. Хўш, медиация ўзи нима, медиаторлар кимлар? Бу замонвий атамалар аввал ҳам мамлакатимизда бўлганми? Медиаторлар яраштирувчилар, ижобий хулосага келишга ёрдам берувчи кишилардир. Улар турли тушунмовчиликлар ва низоли вазиятларни тинч йўл билан ҳал қилишга, ўзаро келишувга эришишга хизмат қилади.

**МЕДИАЦИЯ НИМА ВА НИМА УЧУН УНИ "ТОМШОҚ ХУКУК" ЭЛЕМЕНТИ, ДЕБ АТАШАДИ?**

Тарихга назар. Тарих зарварақларида Вавилон, Қадимий Греция ва Қадимий Римда медиация қўлланилганлиги қайд этилган. Рим ҳуқуқида Юстиниан кодексидан бошлаб (милоддан аввалги VI аср) баҳс-мунозараларни ҳал қилиш учун воситачилик тинч олинган. Медиация технологияси асосан савдода қўлланилган. Римликлар баҳс-мунозараларни ҳал қилувчи мутахассисларни "medium" — "воситачи" сўзи билан ифодалашган. Воситачиларга алоҳида ҳурмат билан муносабатда бўлишган. Уларни дохиллар ва руҳонийлар билан бир қаторга қўйишган. Замонавий тушунчаларда медиация XX асрнинг иккинчи ярмида АҚШ, Австрали ва Буюк Британияда ривожлана бошлаган. Евро-

пада медиаторлар оилавий мунозараларни ҳал қилишга жалб қилинган.

**МЕДИАЦИЯ НИМА?** — Медиация баҳс-мунозараларни учинчи томон иштирокида низолашаётган тарафларни муқобил қарорга эришиш мақсадида татбиқ этиладиган ҳуқуқий технологиядир, дейди Республика юристлар малакасини ошириш маркази кафедра мудири, доцент Севара Матрипова. — Ушбу йўналиш маълум шарт ва тамойилларига эга. Масалан:

- томонларнинг тенг ҳуқуқчилиги;
- ихтиёрийлик;
- ўзаро ҳурмат;
- конфиденциаллик;
- жараённинг шаффофлиги;
- медиаторнинг холислиги.

**МЕДИАЦИЯ ҚАЧОН ҚўЛЛАНИЛАДИ?** Медиация суддан ташқари тартибда, баҳс-мунозарани суд тартибиде қуриб чиқиш жараёнида, суднинг қарор чиқариш учун зални тарқ этишидан аввал қўлланилади. Агар гап Ҳакамлик суди ҳақида кетаётган бўлса, шакл ҳудди шундай бўлади. Медиацияда ишторик этиш факти айбга иқдор бўлишнинг исботи ҳисобланмайди!

**МЕДИАЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ.** Жараён иштирокчилари — томонлар ва медиатор. Томонлар, шунингдек, ҳам жисмоний, ҳам юридик шахслар бўлиши мумкин. Томонлар

ҳам медиаторлар каби икки нафар ва ундан кўп бўлиши мумкин.

**МЕДИАТОР КИМ?** Медиатор икки томондан баҳс-мунозарани тартибга солиш учун жалб қилинувчи шахс. Жараённи ўтказишда воситачи мустақил ва холис бўлади. Воситачининг иши томонлар манфаатига қараб олиб борилади. Воситачилар икки томонга бўлинади:

- профессионал воситачилар — Ўзбекистон Адлия вазирлиги дастури бўйича таълим курсини ўтовчи шахслар;
- непрофессионал воситачилар — 25 ёшдан ошган, медиатор бўлиш истагини билдирган шахслар (улар хохишларига кўра Адлия вазирлиги қошида махсус таълим курсини ўташлари мумкин).

**ПРОФЕССИОНАЛ МЕДИАТОРНИ ҚАНДАЙ ТОПИШ МУМКИН?** Агар сизга профессионал воситачи керак бўлса, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг расмий веб-сайти ёки Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги ва вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳрининг адлия бошқармалари сайтларига киришингиз мумкин. У ерда профессионал воситачилар реестри тақдим этилган. Реестрда медиаторнинг исми ва фамилияси, боғланиш учун маълумотлар, медиация соҳаси ва воситачининг жараённи олиб бориш тилига оид маълумотлар кўрсатилган.

**МЕДИАТОР ХИЗМАТИ ҚАНЧА?** Таъкидлаш жоиз, непрофессионал воситачилар фаолияти беминнат олиб борилади, профессионал воситачилар фаолияти эса — тўлов асосида ёки беминнат. Агар непрофессионал мутахассис ишлаётган бўлса, у ҳолда унинг жараён ўтувчи жойга келиш ва кетиш, яшаш ҳамда овқатланиш харажатлари қопланиши мумкин. Ким ва қанча тўлаши томонлар келишувига боғлиқ. Одатда харажатлар томонлар орасида тенг иккига бўлинади. Агар медиатор жараённи ўтказишдан воз кечса, у дастлабки тўланган пул воситаларини қайтаришга мажбур. Шунингдек, медиациянинг қўлланилиши ўзаро зиддиятчи вазиятларни юмшатади, мерос, уй-жой талашини, ўз жонига қасд қилиш каби ҳолатларни камайтиради, — дейди курс тингловчиси, Ўзбекистон Республикаси Савдо саноат палатаси хузуридаги Халқаро тижорат арбитраж суди раиси Фозилжон Отановов.

**МЕДИАЦИЯ ЖАРАЁН ҚАНЧА ВАКТ ОЛАДИ?** Қонунга мувофиқ жараён 30 кундан ортиқ давом этмайди. Бироқ зарурат туғилганда томонларнинг ўзаро келишув асосида муддатни яна 1 кундан 30 кунгача узайтириш мумкин.

**МЕДИАЦИЯНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ТОМОНЛАРИ.** Жараён — мутлақо ихтиёрий ва келишув асосида амалга оширилади. Томонлар воситачи ёрдамида жараённинг ижобий ва салбий жиҳатларини ўйлаб кўриш имконига эга. Сиз ўзингиз истаган натижага суд овозгарчиликларисиз эришингиз мумкин. Ушбу технология деярли салбий жиҳатларга эга эмас. Медиацияни аънавий суд жараёнига таққослаш мумкин, унда ҳам қайси томоннинг ҳуқуқий далали кўпроқ ва ишончли бўлса, медиатор ўша томонни ғолиб деб эълон қилади.

Ўзбекистон Республикасининг "Медиация тўғрисида"ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2019 йил 31 январдаги 54-мқ-сон буйруғи билан тасдиқланган "Медиаторларни тайёрлаш дастури"га мувофиқ жорий йилнинг 23 сентябрь ойдан бошлаб 140 соат (бир ой)лик дастур бўйича медиаторларни қайта тайёрлаш тизими йўлга қўйилди, ўқув дастури ишлаб чиқилди ва услубий асослари белгиланди. Юристар малакасини ошириш марказининг профессор-ўқитувчилари АҚШ, Сингапур, Беларусь медиация бўйича етакчи мутахассислари томонидан малакаси оширилиб, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда янги ўқув методик комплекслари яратилиб ўқув жараёнига татбиқ этилди.

— Ўқув машғулотлари жуда қизгин ўтди. Айниқса, назарий билимларнинг амалиёт билан қўшиб олиб борилган жуда фойдали бўлди. Жумладан, низоли ҳолатлар, медиаторларнинг бундай вазиятларни юмшатиши, ижобий ечимга келиши, томонларни яраштириш қандай олиб борилиши кераклиги, бу борадаги мўҳим усул ва услублар келгуси фаолиятимизда ҳам қўл келади, дейди курс тингловчиси, Тошкент вилоят Ҳакамлик суди раиси Алишер Акрамов.

Дилфуза ЭРҒАШЕВА,  
"Инсон ва қонун" мухбири

**НАВОИЙ республикасидаги ҳудуди жиҳатидан энг катта вилоятлардан бири ҳисобланади. Шаҳару қишлоқларни бир-бирига боғлаб турувчи жон томирлари, албатта, йўллар эканлигини барчамиз яхши биламиз. Йўлларнинг созлиги, раволиги иқтисодийтимиз ривожига, халқимиз фаровонлигига, хавфсизликка хизмат қилиши аниқ.**

Вилоятимизда жами 9 289,5 километр узунликдаги автомобиль йўллари мавжуд бўлиб, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари 4 006 километр, шундан, халқаро аҳамиятдаги 356 километр, давлат аҳамиятидаги 2 525 километр ва маҳаллий аҳамиятдаги йўллар 1 125 километр, шунингдек, ички йўллар 5 283,5 километрни ташкил этишини инobatта оладиган бўлсак, Навоийнинг йўллари оддий йўллар эмас. Бу йўлларнинг бири олтин қонларига олиб борса, яна бири чорвадорларнинг олис овулига, бири тоғ этагиди оёбод қишлоққа, бири эса тарихий қадимжоларга сизни етаклайди.

Йўл қурилиши борасидаги ишлар кўлами кенг. Шунга қарамайдан бош бошқармаимизга қилинган мурожаатлар асосан йўллар, уларни таъмирлаш, янги йўлларни барпо этиш хусусида. 2017 йилда мурожаатлар сони 390 та бўлган, 2018 йилда 161 та ва 2019 йилнинг ўтган даврида эса 118 та мурожаат келиб тушган. Бу ўтган йилга нисбатан 26,8 фоизга камайган. Шундан 37 таси ҳал этилган, 72 тасига 2020 йил ва кейинги йилларда босқичма-босқич дастурга киритиш орқали таъмирлаш бўйича тушунтиришлар берилган, 9 та мурожаатни ҳал этиш учун тегишли ташкилотларга юборилганлиги йўлларимизда ҳали гап ҳам, иш ҳам кўпلىгидан далolat беради.

Худудий бош бошқармаимиз

таркибидеги корхоналарга 2019 йил ўтган даврида 248,9 миллиард сўмлик асосий ва пудрат фаолиятида 744,7 километрда қайта қуриш, тўла таъмирлаш, жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари бажарилди. Бу кўрсаткич ўтган 2018 йилда 696,3 километрни ташкил этиб, ўсиш 106 фоиздан иборат бўлди. Шу жумладан, инвестиция дастури Президентимизнинг 2018 йил 19 декабрдаги Қарорига асосан Нурота тумани ҳудудидан ўтувчи "Қизилқум халқа йўли"нинг 22-32 километрларини 10 километр масофада реконструкция қилиш объектида пудратчи "Навоий йўл қурилиш таъмирлаш" унитар корхонаси томонидан 50,8 миллиард сўмлик ишлар бажарилди ва фойдаланишга топширилди. Қишнинг қорли, қировли кунларида ҳайдовчилар ҳаётини хавфга қўядиган хатарли йўл ўрнида кафтдек текис ва раво йўлнинг барпо этилгани халқимиз бахту саодати учун хизмат қилмоқда.

Яна бир дастур асосида 5 та объектда таъмирлаш ишлари учун 23,0 миллиард сўм маблағ ажратилган. Амалда 18,6 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди, 2 та объектда 15 километр автомобиль йўли тўла таъмирланиб, фойдаланишга топширилган ҳам йўлчиларимизнинг ютуғидир.

Ҳаёт бахтли ва бахтсиз тасодифларга тўла. Қутилмаган табиий офат оқибатларини бартараф этиш дастурида айнан талофат инжиқликларни туфайли табиат қўрган жойларда қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади. Жорий йилда ушбу дастурга асосан 9,0 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бунинг натижасида 2 та кўприк ҳамда 2 дона латок ва 6,2 километр автомобиль йўли таъмирланиб, фойдаланишга топширилди.

Тизимдаги йўл қурилиш корхоналари томонидан 248,0 километр автомобиль йўллариде кеча-ю кундуз ҳаракат хавфсизлигини таъмин-



## ОБОД ЙЎЛЛАР

обод манзиллар ва тарихий қадимжолар сари етаклайди

лаш, йўллар раволигини ошириш мақсадида 48,1 миллиард сўмлик жорий таъмирлаш ишлари бажарилди. Шунингдек, туризмни ривожлантириш мақсадида туристик объектларга олиб борувчи 35 дона ахборот берувчи йўл кўрсаткичлар ҳамда 2967 дона интенсив нур қайтарувчи йўл белгилар ўрнатилди.

Ободликнинг асосий кўрсаткичлари, энг аввало, йўлларнинг созлиги, раволигига боғлиқ. Юртимиз чиройига чирой қўшаётган "Обод қишлоқ" дастури ҳам йўлсозлар учун ўзига хос маҳорат мактаби бўлди, десак муболага бўлмайди. Президентимиз Қарорига асосан "Обод қишлоқ" давлат дастури доирасида вилоятимизнинг 8 та туманидан танлаб олинган 25 та қишлоқ ички йўлларида 362,3 километрда ўтган йили 244,5 километр жорий таъмирланиб, 16 та қишлоқ ички йўлларида ишлар тўлиқ якунига

етказилди. Шунингдек, 16,0 километр пиёдалар йўлаклар қурилди ва 43,0 километрда 1182 дона тунги ёритиш чироқлари ўрнатилди. "Обод маҳалла" дастури доирасида эса шаҳарлардаги жами 5 та маҳалланинг 32,3 километр узунликдаги йўлларида 24,8 километрда таъмирлаш ишлари бажарилиб, бу дастурларда ҳаётнинг ёрқин манзараларини кўриш мумкин.

Навоий шаҳри кўчалардаги тирбандликларни камайтириш мақсадида И.Каримов кўчасини кенгайтириш ишларини 3 босқичда амалга ошириш режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда пудратчи "Навоий кўприклардан фойдаланиш" унитар корхонаси томонидан 1-2-босқич ишлар тўлиқ туғатилиб, 3-босқичда қурилиш-монтаж ишлари давом эттирилмоқда.

Шунингдек, яна бир янгилик, пиёдалар хавфсизлигини таъминлаш



ФАКТ

Яна бир дастур асосида 5 та объектда таъмирлаш ишлари учун 23,0 миллиард сўм маблағ ажратилган. Амалда 18,6 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиб, 2 та объектда 15 километр автомобиль йўли тўла таъмирланиб, фойдаланишга топширилган ҳам йўлчиларимизнинг ютуғидир.

учун Марказий деҳқон бозори чор-чархасида ер усти пидедалар ўтиш жойини янгидан барпо этиш ишлари бажарилмоқда.

Тизим йўл корхоналарининг автомобиль йўлларида қурилиш-монтаж ишларини бажаришда иш умумдорлигини ошириш мақсадида 2019 йилнинг ўтган даврида 20,6 миллиард сўм маблағлар ҳисобига 26 дона янги техника олиб келинди ва ишга жалб этилди. Шунингдек, вилоятга барча талабларга жавоб берадиган замонавий 2 дона асфальт-бетон ишлаб чиқариш заводи Навбахор ва Кармана туманларида тўлиқ ўрнатилиб, фойдаланишга топширилди.

Келгусида вилоятда автомобиль йўлларини янада ривожлантириш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида 100 километрдан ортиқ автомобиль йўлларини қайта қуриш ва тўла таъмирлаш режалаштирилган. Обод йўллар иқтисодийтимизни ривожлантиришга хизмат қилади.

Ноидр КАМОЛОВ,  
Навоий вилоят автомобиль йўллари худудий бош бошқармаси бош юриконсулти